Тошкент оқшоми

Иҗтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 188 (8. 386) ◆ 1993 йил 21 октябрь, пайшанба ◆ Сотувда эркин нархда

ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний раҳбарлигидаги Эрон ҳукумати делегацияси 20 октябрь куни Тошкентдан Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрига жўнаб кетди.

Ўзбекистон ва Эрон давлат бошлиқлари тайёрагоҳда журналистларнинг олиймақом учрашув якунлари ҳақидаги саволларига жавоб бериб, музокараларнинг самарали бўлганини, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамловчи муҳим ҳужжатлар имзоланганини айтдилар. Акбар Ҳошимий Рафсанжоний мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётганини, бунда Президент Ислом Каримовнинг ҳиссаси катта бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Самимий эҳтиром ва меҳмондўстлик учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдирди.

— Сафарим ниҳоясида мен Тошкентда Эрон моллари билан савдо қилувчи дўконнинг очилишида иштирок этдим. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор,— деди Эрон Президенти. — Зеро, у халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик, дўстликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Теҳрон шаҳрида ҳам Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган моллар билан савдо қилувчи ана шундай дўкон яқин орада очилади, деган умиддаман.

Ислом Каримов сафар мобайнида Ўзбекистон халқи шаънига билдирилган эзгу тилаклар учун Эрон раҳбарига миннатдорлик изҳор этди. Теҳронда ва Тошкентда эришилган аҳдномалар, ҳамкорлик, ўзаро борди-келдилар, эрон ва ўзбек халқи манфаатларига хизмат қилади, деб ишонч билдирди. Эрон ҳукумат делегациясининг Қирғизистонда ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида бўладиган музокараларида муваффақият тилади.

Тошкент тайёрагоҳида юксак мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Республика Олий Кенгаши Раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Ташқи ишлар вазири Саидмухтор Саидқосимов, Тошкент шаҳри Ҳокими Адҳамбек Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кузатув маросимида Эрон Ислом Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпоёгоний ҳам бор эди.

(ЎзА).

БУЮК ШОИР ЁДИ

Эрон Ислом Жумҳурияти Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзолари 20 октябрь куни эрталаб Алишер Навоий хотирасини ёд этиш учун Ўзбекистон миллий боғига келдилар.

Адабиёт инсонпарварлик ғоялари билан азалдан халқларнинг тинч-тотув ва дўстона муносабатларига хизмат қилиб келган буюк бобокалонимиз, зуллисонайн шоир Мир Алишер Навоий ҳазратлари , шеъриятининг беш асрдан буён туркигўй ва форсигўй халқлар орасида бирдек эъзозланиши ҳам бежиз эмас.

Пойтахт жамоатчилиги вакиллари, икки дўст мамлакат байроқчаларини кўтарган талаба ва ўқувчилар олий мартабали меҳмонларга пешвоз чиқдилар. Эрон давлати раҳбари улуғ шоир ҳайкали пойига гуллар қўйиб, эҳтиромини изҳор этди.

Истиқлол шарофати билан барпо бўлган бу бетакрор обида Ҳошимий Рафсанжоний жанобларида катта таассурот қолдирди.

ЎзА олган суратлар.

МОВАРОУННАҲР МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИДА

Эронлик юксак мартабали меҳмонлар Тилла Шайх меъморий мажмуи ва Моваруннаҳр мусулмонлари диний идораси кутубхонасида бўлдилар. Акбар Ҳошимий Рафсанжоний кутубхонада сақланаётган кийик терисига битилган Қуръони Каримни тавоф этди. Ислом тарихига оид нодир қўлёзмалар ва босма китоблар меҳмонларда зўр қизиқиш уйғотди. Эрон Президенти фахрий меҳмонлар дафтарига эсдалик дастхатини ёзиб қолдирди.

Шундан сўнг Моваруннаҳр мусулмонлари идораси раиси муфти Мухтор Ҳожи Абдуллаев истиқлолга эришган Ўзбекистонга, ҳур диёрнинг мусулмон аҳлини бирлаштириб турган диний бошқармага ташриф буюргани учун юксак мартабали меҳмонга самимий миннатдорлик билдирди. Эрон Президентига Моваруннаҳр мусулмонлари номидан Қуръони Каримнинг нодир нусхаси совға қилинди. Акбар Ҳошимий Рафсанжоний Ўзбекистон заминидаги ажойиб учрашувлардан мамнунлиги изҳор этди. Ўз навбатида меҳмонлар ҳам диний идорага Эронда чоп этилган Қуръони Каримни ҳадя қилдилар.

Шарқшунос олимлар билан учрашув

Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ва унинг ҳамроҳлари Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фаолияти билан танишдилар. Маълумки, бу йирик илм масканида ҳозирги пайтда 18 минг жилддан зиёд қўлёзма, жами 50 мингдан ортиқ асар сақланмоқда. Тарих, адабиёт, фалсафа, Ислом тарихи, тасаввуф ва аниқ фанларга оид бу асарлар минг йиллар мобайнида яратилган. Институтда жаҳон шарқшунослик фанига муносиб улуш қўшаётган кўплаб истеъдодли олимлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Президенти М. Салоҳиддинов, институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Б. Маннонов мамлакатимиз олимлари номидан меҳмонларни қутлаб, илм аҳлларининг бугунги кундаги ишлари, Эрон ва Ўзбекистон олимлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида сўзладилар. Меҳмонлар Шарқшунослик институтининг тарихи, бу ердаги илмий изланишларнинг йўналишлари билан таништирилди.

Акбар Ҳошимий Рафсанжоний ўз нутқида Ўзбекистон олимлари билан учрашиш имконига эга бўлганидан мамнуният изҳор қилди.

— Гарчи давлат арбоби ва сиёсатчи бўлсам-да, — деди Эрон раҳбари, — бутун ҳаётим илм, тарих ва адабиёт билан боғлиқ. Бу ерда асралаётган қадимий қўлёзмаларни боболаримиз биргаликда ижод этган. Уларни ўрганишда ҳам бизяқиндан ҳамкорлик қилмоғимиз зарур. Айниқса, Самарқанд ва Бухорода бўлганимда у ердаги обидалар билан Эрондаги қадимий ёдгорликлар нақадар ўхшашлигига амин бўлдим. Узилиб қолган алоқаларни қайта тикламоғимиз, маданий меросимиздан бирга баҳраманд бўлмоғимиз лозим.

Акбар Ҳошимий Рафсанжоний Машҳаддаги Абу Райҳон Беруний номидаги институт билан Шарқшунослик институти ўртасида ҳамкорлик хусусида шартнома тузишни таклиф этди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Шундан сўнг меҳмонлар нодир қўлёзма намуналарини, китоблар сақланаётган жавонларни кўздан кечирдилар. Уларга мазкур илм даргоҳида тайёрланган китоблардан намуналар туҳфа этилди.

* * *

Шу куни Эрон Президенти Акбар Ҳошимий Рафсанжоний бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзолари Мустақиллик майдони ва метро бекатини томоша қилдилар. Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бўлдилар. Сафар давомида уларга Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир ўринбосари К. Тўлаганов, Тошкент шаҳар Ҳокими А. Фозилбеков, Эрон Ислом Жумҳуриятининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпоёгоний ҳамроҳлик қилдилар.

(ЎзА).

* *Бугун Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинган кунга тўрт йил тўлди*

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

ДОНИШМАНД файласуф Афлотуннинг ўз даврида: «Энг қийин иш — қонуннинг жорий қилишдир», деб таъкидлагани бежиз эмас экан. Дарҳақиқат, ҳаёт мантиқи Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг жорий қилиниши ҳам даврнинг тақозоси билан юзага келганлигидан далолат беряпти. Зотан, мустақиллик тилдан бошланади, дейишади. Ушбу Қонуннинг жорий этилиши ўз миллий мустақиллигимизнинг маънавий пойдеворига асос бўлган эди.

Тил ҳар бир миллат, халқнинг ўзлиги, ўз миллий қиёфаси, маънавиятини белгилайдиган асосий мезонлардан бири. Собиқ Иттифоқ даврида тил сиёсати бир ёқлама олиб борилгани учун рус тилининг мавқеи сунъий равишда кучайтирилиб, мамлакатдаги бошқа миллий тилларнинг (шу жумладан ўзбек тилининг ҳам) имконият доираси торайтирилиб қўйилганди.

Тил ҳақидаги Қонун ўз она тилимизнинг мавқеини қайта тиклаш, унинг имконият доираларини кенгайтиришга қаратилганди. Шу боисдан ҳам ушбу Қонун халқимиз томонидан табиий равишда, гина, эътирозларга сабаб бўлмасдан қабул қилинди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ушбу Қонунни амалга оширишда бошқа миллат вакилларининг ҳам ўз тили, маданиятларини янада ривожлантиришлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилиши кўзда тутилганди. Бизда бошқа миллат вакилларининг иззат-нафси, ҳамиятига тегилмасдан вазминлик билан иш олиб бориляпти. Демак, бир томондан ерли бўлмаган бошқа миллат вакилларининг давлат тилини ўқиш, ўрганишлари учун тегишли ғамхўрликлар кўрсатилаётган бўлса, иккинчи томондан маҳаллий бўлмаган бошқа миллат вакилларининг ўз тили, маданиятларини ҳам ривожлантиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Туб аҳолига эса бошқа тилларни ихтиёрий тарзда ўрганиш имкониятлари юзага келтирилмоқда. Миллий қадриятларни қайта тиклаш, анъана, урф-одатларни давримиз талабларига ҳамоҳанг тарзда ривожлантириш ишлари олиб борилмоқда. Қисқаси, республикамизда тил сиёсати ҳар бир фуқаро манфаатларини ҳимоя қилган тақдирда (қайси миллатга мансублигидан қатъи назар) ўз имкониятларини юзага чиқаришларига катта имкониятлар яратиб беради. Республикамиз раҳбарияти томонидан тил сиёсатининг жуда изчил ва тўғри олиб борилаётганлиги сабабли юртимизда тинчлик, осойишталик таъминланяпти.

Кўп миллат вакилларини ўз бағрига олган шаҳри азим Тошкентда ҳам республика раҳбариятининг юритаётган тил сиёсати изчил давом эттирилмоқда. Шаҳримизда давлат дастурини амалга ошириш юзасидан тадбирлар, дастур ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Қонун талабларини бажариш ишларини мувофиқлаштириш, ижрони назорат қилиш бўйича шаҳар Ҳокими маҳкамаси ҳузурида Атамалар комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Шундай комиссиялар туман ҳокимликларида ҳам ишлаяпти. Бош бошқарма, бошқарма, бирлашмалар, трестлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ҳам давлат дастурини бажариш бўйича тузилган тил комиссиялари ишлаяпти.

Шаҳар ҳокимлиги, давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотлардаги барча йиғинлар, мажлислар давлат тилида олиб борилмоқда. Иш юритиш ҳужжатлари давлат тилида тайёрланиб, зарур ҳолларда рус тилига ҳам таржима қилинмоқда. Босма иш юритиш ҳужжатлари — расмий муҳр, бўйруқ, фармойиш ва қарорларнинг матни давлат тилида тайёрланмоқда.

Она тилимизнинг ҳуқуқий мақоми давлатимизнинг Асосий қонуни — Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Шу муносабат билан шаҳримизда муайян ишлар қилинди. Шу йилнинг июнь ойида шаҳар ҳокимлигида Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилиши муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуман олдидан туман ҳокимликлари, бош бошқарма ва бошқармаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси давлат тили комиссияси томонидан тайёрланган Конституция матнида қўлланган атама ва иборалар рўйхати кўпайтирилиб тарқатилди. Унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан хат, тавсиялар юборилди. Шундан сўнг туман ҳокимликлари, бош бошқарма ва бошқармалар, уларнинг тизимларида бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами ўрганиб чиқилиб, Вазирлар маҳкамаси тил комиссияси қарорининг тўла бажарилишини таъминлаш юзасидан текширувлар ўтказилиб, мавжуд камчиликларни тузатиш юзасидан кўрсатма, маслаҳатлар берилди.

Янги Конституция қабул қилиниши муносабати билан шаҳардаги майдон ва биноларга осиб қўйилган собиқ СССР герби ва байроғи тасвири туширилган ёзув ва манзаралар олиб ташланди.

Давлатимизнинг номи расман Ўзбекистон Республикаси деб аталиши муносабати билан шаҳардаги идора, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг пешлавҳалари «Ўзбекистон ССР» деган ёзув ўрнига «Ўзбекистон Республикаси», деб ўзгартирилди.

Туман ҳокимликлари, давлат бошқарув идоралари, корхона ва ташкилотлар, муассасаларнинг муҳр, штамп, расмий бланк, гувоҳномалари, барча иш юритиш ҳужжатларининг намуналари Атамалар комиссияси томонидан бирма-бир кўриб чиқилиб, уларни Конституция матнида қўлланган атамаларга мувофиқ тарзда янгилашга тавсия этилган бўлиб, бу борадаги ишлар ниҳоясига етказилмоқда.

Фуқароларни қабул қилиш ишлари ҳам давлат тилида ёки улар истаган тилда олиб бориляпти. Фуқаролардан келаётган ариза, таклиф, шикоят ва илтимосномалар қайси тилда ёзилган бўлса, уларга ўша тилда жавоблар қайтарилмоқда.

Стенография ва машинкада ёзиш курслари ташкил этилган бўлиб, ушбу курсларда ўзбек тилида иш юритувчилар, котиба-машинисткалар ва стенографистларга тайёрланмоқда.

21-ҳунар-техника билим юртида ўқув жараёнини методик таъминлаш, давлат тилида иш юритиш ва машинкада ёзишни программалаштириш ҳамда компьютерлашни таъминлаш маркази ташкил қилиниб, ишлаяпти.

Шаҳар Ҳокими маҳкамаси, туман ҳокимликлари, бош бошқармалар, бўлимлар, трестлар, корхона ва ташкилотлар, муассасаларнинг раҳбарлигига ўзбек ва рус тилларини яхши биладиган кишилар тайинланди ва бу иш давом эттирилмоқда. Давлат тили ҳақидаги Қонун талабларига кўра миллий кадрлар орасидан барча даражадаги раҳбарларни кўпайтиришга эътибор кучайтириляпти.

Ушбу Қонунда давлат ҳокимияти, бошқарув органлари раҳбарлари ва масъул ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажариши учун давлат тилини етарли даражада билишлари шартлиги алоҳида таъкидланган. Шундан келиб чиқиб, бош бошқармалар, бирлашмалар ва трестлар қошида раҳбар ходимлар учун, корхона, ташкилот ва муассасаларда эса ходимлар, ишчи-хизматчиларни давлат тилига бепул ўргатиш ва ўқитиш курслари ташкил этилган. Шаҳримизда 1600 дан зиёд ўзбек тили курслари ва тўгараклари ишлаб турибди ва уларда 25 мингдан кўпроқ киши таҳсил кўряпти.

Аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган вазифаларда ишлаётган соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший, коммунал хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, корхоналари ва муассасаларида хизмат қилаётган ходимларнинг давлат тилини билишлари борасида муайян ишлар қилинди. Жумладан, умумий овқатланиш давлат концерни томонидан сотувчилар учун «Сўзлашув» китоби нашр қилинди. «Тошкентсавдо» концернида барча идора ҳужжатлари, харидорларга мўлжалланган маълумотномалар, ахборотлар, эълонлар нашр этилиб, савдо ташкилотларига тарқатилди.

Шаҳар жамоат транспорти воситаларидаги ёзувлар, реклама ва эълонлар асосан ўзбек тилида бўлиб, баъзи ҳолларда рус тилига ҳам таржима қилинмоқда. Мазкур соҳа бўйича идора уюшмасида атамалар луғати нашрга тайёрланди. Тошкент метрополитени бекатларидаги барча ёзув кўрсаткичлари, метрополитен йўл, йўналишлари ва бекатлари кўрсатилган чизмалар, тасвирлар, вагонлардаги эълонлар давлат тилида ёзилмоқда ва рус тилида ҳам такрорланмоқда.

Шаҳардаги кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, маданият ва истироҳат боғлари, стадионлар, бекатлардаги ёзувлар, шиорлар, даъватномалар, кўрсатмали, манзарали тасвирлар, реклама ва эълонлар миллий шаклда ва давлат тилида ёзилмоқда. Савдо тармоқларидаги нарх кўрсаткичлари, кўргазмали ва оғзаки ахборот матнлари, лавҳалар давлат тилида ёзилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Навоий вилояти фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Бугун Ўзбекистон пахтакорлари уяётган «оқ олтин» хирмони 3 миллион тоннага етади. Бунинг 900 минг тоннадан кўпроғи машиналар билан териб олинди. Ҳозиргача қарийб 160 минг тонна ингичка толали пахта нави тайёрланди.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Россия Президенти маъмуриятининг раҳбари Сергей Филатов кеча 12 декабрга мўлжалланган сайловларда мамлакатдаги 17 партия ва ҳаракат иштирок этиш ниятида эканлиги тўғрисида баёнот берди.

● Россия адлия вазирлиги низомлари федерал йиғилишга сайловларда иштирок этиш имконини берадиган партия, ҳаракат ва бирлашмалар сонини 92 тадан 126 тага кенгайтирди.

● Россиядаги 89 та халқ депутатлари минтақа Кенгашларидан 17 таси ҳозирнинг ўзида фаолиятларини тўхтатди.

● Россия мудофаа вазири Павел Грачев «Россия Грузиядаги фуқаролар урушига аралаша олмайди», деб баёнот берди. Айни пайтда Россия ҳарбий бўлинмалари Грузия ҳудудидаги темир йўлларни қўриқлайдиган бўлдилар.

● Кеча Москвада Бош вазирлар Виктор Черномирдин ва Абдумалик Абдуллажонов раҳбарлигидаги Россия ва Тожикистон ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда асосан Тожикистоннинг ягона рубль тизимига кириши ҳамда ҳарбий-сиёсий соҳаларда ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама этилди.

● Уч кун давомида Москвада Россия билан Латвия ҳукумат делегациялари ўртасида бўлиб ўтган музокараларнинг навбатдаги босқичи ҳам Латвиядан Россия қўшинларини олиб чиқиш муаммосига ойдинлик кирита олмади.

● Украина Президенти Леонид Кравчук ядровий каллаклари бўлган 170 та ракетани йўқотишга ва 46 та ракетани жанговар навбатчиликдан олишга розилик берди. Лекин бунинг учун Украина хавфсизлигига кафолат бериладиган тегишли ҳужжатлар имзоланиши керак.

ХОРИЖДА

● Европа ҳамжамиятига аъзо бўлган тўққиз давлат имзолаган, фуқароларнинг бу мамлакатлар ҳудудларида эркин ҳаракат қилишлари тўғрисидаги битим аввал эълон қилинганидек, шу йил 1 декабрда эмас, 1994 йилнинг 1 февралида кучга киради. Бу муддат Франция таклифига биноан узайтирилди.

● Будапештда Венгрия билан Россия ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

● Босния мусулмонлари ва хорватлари асирларни айирбошлашга киришдилар. Ўн кун ичида собиқ Югославиянинг бу республикасида бир-бирига қарши турган томонлар асир олган 5 минг кишини озод этишлари керак.

● Лондонда «Таймс» журнали ҳомийлигида ўтказилаётган беллашувнинг 19-учрашувида Гарри Каспаров дуранг натижага эришиб, ҳисобни 12:7 қилди ва жаҳон чемпиони унвонини сақлаб қолди. У бу учрашувда ғолиб чиқиши учун қолган беш ўйинда бир марта дуранг натижага эришса кифоя. Жакартада Анатолий Карпов эса кетма-кет икки марта ғалаба қозониб Ян Тимман устидан 9,5:5,5 ҳисобида устунлик қилмоқда.

* *Обуна—94*

АЛБАТТА ЁЗИЛАМИЗ

МАНА «Тошкент оқшоми» ва бошқа газета-журналларга обуна бошланганига ҳам 20 кундан ошди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабати билан ана шу кундалик нашрларнинг нархи ҳам анча ошиб кетди. Лекин кишилар ўзлари севган газетага ёзилишни унутишмаяпти. Фақат жойларда бу иш қандай ташкил қилинишига боғлиқ. Шундай экан, пойтахт туманлари мутасаддилари бу борада қандай ишларни амалга оширишмоқда? Улар муштарийларнинг газета ва журналларга ёзилишида тўла шарт-шароит яратиб беришяптими? Биз ана шу ва бошқа саволлар билан Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари Миразиз Жалоловга мурожаат қилдик.

— Туман алоқа ташкилотларида аҳолининг газета ва журналларга ёзилиши учун ҳамма шарт-шароит яратилган, — дейди Миразиз Жалолов. — Почталардаги хизматчилар меҳнаткашлар ўртасида ташкилотчилик ишларини олиб боришмоқда. Туманда 56 дан ортиқ маҳалла бор. Ана шу маҳаллалар аҳолиси ўртасида ҳам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Меҳнаткашлар «Тошкент оқшоми» газетасига ҳам ёзилиш истагини билдиришяпти. Чунки унда ёритилаётган материаллар ранг-барангдир. Мисол учун шахсан ўзимга ушбу газетада бериб борилаётган «Дам олиш оқшомида», «Одобнома» ва бошқа саҳифалар жуда ёқади. «Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт», «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» ва бошқа рукнлар остида берилаётган иқтисодий мавзудаги мақолаларни ҳам муштарийлар севиб ўқишяпти. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бу мавзу шаҳар ҳаётининг асосини ташкил этади.

— Обунани тезлатиш учун ҳокимлик мутасаддилари қандай ишларни олиб боришмоқда?

— «Тошкент оқшоми» шаҳар ҳаётини муфассал ва тез ёритадиган газетадир. Шунинг учун туман ҳокимлигида бўладиган ҳар бир йиғилишда обуна ҳақида сўз бормоқда. Масалан, ҳар душанба бўладиган корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирокидаги мажлисда газетага ёзилишларини илтимос қиляпмиз. Ўз навбатида уларнинг кўпчилиги «Албатта «Оқшом» газеталарига ёзиламиз» дейишяпти. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда туман бўйича «Тошкент оқшоми» газетасига кам деганда обуна бир мингтадан ошиши мўлжалланмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ.

«ОҚШОМ» СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ

ҲАР қандай иш хайрли бошланса, унинг натижаси ҳам албатта яхши бўлади. Бинобарин бугун Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигининг газета ва журларга, хусусан «Тошкент оқшоми» газетасига 1994 йил учун обуна борасидаги дастлабки режаларидан воқиф бўлдик. Аслида ушбу туманда «Оқшом»нинг жуда кўплаб мухлислари бор. Шу нуқтаи назардан олганда обунанинг мингта эмас, балки бундан бир неча баробар кўп бўлишига имкон бор. Ҳамма гап мана шу имконни излаб топишда қолган. Ҳозир нима кўп турли хайрия жамғармалари кўп. Шундай ташкилотлар айниқса обуна кезларида янада ҳиммат кўрсатса, айни муддао бўлур эди.

«Тошкент оқшоми» газетасига 1994 йил учун обуна давом этаётган шу кезларда унинг ҳар бир муштарийси «Оқшом»нинг нафақат пойтахтимизда, балки республикамизнинг турли бурчакларида истиқомат қилувчи хонадонлар орасида кўплаб муштарийлари борлигини таъкидлаш билан бир қаторда обуна ҳеч бир чеклашларсиз қабул қилинаётганлигини айтиб ўтмоқчимиз. Ўйлаймизки, келгуси йилда ҳам республикамизнинг узоқ шаҳар ва қишлоқларида «Оқшом»ни севиб ўқийдиганлар учун газета уларнинг энг яхши маслаҳатгўйи бўлиб қолади.

Сўзимизнинг якунида «Тошкент оқшоми»нинг бир йиллик обуна баҳоси 22 минг 620 сўм, ярим йилга эса 11 минг 310 сўм эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Газетанинг индекси 64690. «Оқшом» келгуси йилда ҳам ҳафтасига беш марта чоп этилади. У Сизнинг газетангиз, шуни унутманг. Газетага обунани расмийлаштиришга шошилинг, азиз ва қадрли муштарий!

Давлат тили ҳақидаги Қонун қандай бажарилмоқда?

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шаҳримизда халқимизнинг миллий мулки бўлган жой номларини тартибга келтириш, жойларнинг унутилиб кетган асл номини қайта тиклаш, улуғ тарихий шахслар номини абадийлаштириш юзасидан анча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганидан сўнг ҳеч бир маъно касб этмайдиган, европача номлар билан аталган 500 га яқин кўча, майдонлар, хиёбонлар, метро бекатлари, бекатлар, маданият, маориф муассасаларининг номи миллий номлар билан ўзгартирилди. Туманлардан: Ленин—Миробод, Киров—Юнусобод, Куйбишев — Мирзо Улуғбек, Фрунзе — Яккасарой, Октябрь — Шайхонтоҳур тумани деб ўзгартирилди. Европача атамалар билан номланган 100 га яқин мактаб номи қайта номланди. Маҳаллалар, даҳа ва мавзелар, кинотеатрлар, меҳмонхоналарнинг номлари ҳам фуқароларнинг таклифларига кўра миллий номлар билан аталмоқда. Ушбу ўзгаришлар «Тошкент» (Янги номлар) китобчасида ўз ифодасини топган. Айни пайтда Атамалар комиссияси «Тошкент почтаси» корхонаси билан ҳамкорликда «Тошкент кўчалари» китобини нашрга тайёрлаяпти, Ўзгартирилаётган янги номлар ҳақида Атамалар комиссиясининг изоҳи «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мунтазам бериб борилмоқда.

Шаҳар Атамалар комиссияси томонидан туман атамалар комиссияларининг фаолияти ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниб, улар ишини янада жонлантириш мақсадида профессор Н. Г. Маллицкийнинг «Тошкентнинг маҳалла ва мавзелари» мақоласида келтирилган Тошкент шаҳри маҳалла ва мавзелари рўйхати, Тошкент жой номларининг ўрни ҳақидаги қиёсий маълумот, Эски шаҳар маҳаллаларининг XX аср бошида ишланган режа чизма, атамалар комиссияси изоҳи, янги ва қайта номлашга тавсия этилаётган кўчаларнинг чизма-намунаси ҳамда шаҳримизда бу борадаги ишлар ҳолатини ифодаловчи жадвал тарқатилди. Туман атамалар комиссияларининг фаолияти ўрганиб чиқилиб комиссия аъзолари таркибини мутахассислар, фидойи кишилар ҳисобига бойитиш тавсия этилди. Шунингдек, туман ҳокимликларига номини ўзгартириш керак, бўлган кўчалар, мавзелар, маҳаллалар, мактаблар ва бошқа иншоотлар рўйхатини тузиб чиқиш топширилган эди, Шаҳримизда жой номлари аниқ ҳисоб-китоб қилинди ва уларни тартибга келтириш ишлари давом эттирилмоқда.

Шаҳримизда яшаб, истиқомат қилаётган бошқа миллат вакилларига давлат тилини ўқитиш ва ўргатиш билан бир қаторда уларнинг ўз тиллари ва маданиятини янада ривожлантириш учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, уларнинг миллий-маданий талабларини қондиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Давлат дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда бошқа миллатларнинг манфаатларини қондириш мақсадида шаҳарда 19 та миллий-маданият маркази тузилди. Наврўз ҳамда Республика мустақиллиги куни тантаналарида ва бошқа байрамлар, тадбирларда миллий-маданият марказлари ўз санъат ва маҳоратларини кенг намойиш этишмоқда.

Ушбу тантаналарда миллий санъатимиз, Амир Темур, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби улуғ тарихий шахсларнинг сиймолари саҳнада намойиш этилди. Шунингдек, бошқа миллат вакилларининг чиқишларига ҳам катта ўрин берилди.

Шаҳарда бўлиб ўтадиган байрамлар, юбилейлар ва тадбирларни мувофиқлаштириш мақсадида маданий, оммавий — спорт тадбирларини ўтказиш дирекцияси тузилди.

Давлат дастури талабларига кўра шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси тизимида анча ибратли ишлар қилинди. Айни пайтда шаҳардаги 19 та мактабда (биринчи синфдан бошлаб) ўзбек тили чуқур ўрганилмоқда. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганидан сўнг ўзбек мактабларида она тили ва адабиёт ўқитиш 2720 соатга (илгари 2346 соат бўлган), рус мактабларида ўзбек тили ўқитиш эса 844 соатга (илгари 544 соат бўлган) оширилди. Ўқув режасига асосан таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган синфларда ўзбек тили дарслари икки гуруҳга бўлиб ўқитилмоқда. 1990 йилнинг январь ойидан бошлаб рус синфларида дарс берадиган ўзбек тили ўқитувчиларининг ойлик маошларига 15 фоиз қўшимча ҳақ тўланмоқда.

Ўтган 4 йил мобайнида шаҳардаги ўзбек тилидаги болалар боғчалари сони 32 тага, аралаш тилли боғчалар сони 47 тага кўпайди. Таълим-тарбия рус тилида олиб бориладиган боғчаларда ҳам давлат тили ўргатилмоқда, яъни ўзбек тили машғулотларини олиб борувчи тарбиячилар штати жорий этилмоқда.

1989 йилдан бошлаб рус тилида ўқитиладиган мактаблар, олий ўқув юртларида ўзбек тили бўйича туман, шаҳар олимпиадалари ўтказилмоқда. Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинган куни чинакам байрамга айланиб, китобхонлар конференциялари, шеърхонлик кечалари, билимлар мусобақалари ўтказиш анъанага айланиб боряпти. Ҳафтанинг бир куни «Ўзбек тили» куни деб эълон қилинган.

Ўқувчиларда миллий ҳис-туйғуни шакллантириш, миллий урф-одатлар, анъаналарга ҳурмат, муҳаббат уйғотишда Наврўз, «Меҳржон» байрамлари, «Қизлар давраси», «Балли, йигитлар» каби танловлар, Навоий, Бобур, Яссавий, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом каби улуғ Шарқ алломаларининг юбилейларига бағишланган кечаларнинг ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Одобнома», эски ўзбек ёзуви мактабларда фан тарзида ўқитиляпти.

Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг қабул қилиниши муносабати билан халқ таълими муассасаларида давлат мадҳияси ижроси бўйича туман ва шаҳар кўрик-танлови ўтказилди.

Мирзо Улуғбек тумани халқ таълими бўлимида Давлат тилини ҳаётга тадбиқ этиш борасида тўпланган тажрибалар, Вазирлар маҳкамасида муҳокама этилиб, республика миқёсида оммалаштиришга қарор қилинди.

Тошкент шаҳрида Давлат тилини ўқитиш масалалари юзасидан (дарслар рус тилида олиб бориладиган синфлар учун) ўқув режаси, дастурлар мажмуаси, ўқув қўлланмалари яратиш ва мавжуд дарсликларни ижодий такомиллаштириш юзасидан олим — ўқитувчилардан иборат «Ижодий гуруҳ» тузилган. Ушбу гуруҳ шу пайтгача рус синфлари учун «Ўзбек тили» дарслиги (5-синф), «Диктантлар» тўплами, «Баёнлар» тўплами, ўзбек тили ўқитиш режаси ва дастурини ишлаб чиқди. «Ўзбек тили» дарслиги (1-синф) тайёрланиб, нашрга топширилди. Жойларда Давлат тили ҳақидаги Қонун талабларини бажариш борасидаги ишлар ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қаерда бош раҳбар жонкуяр бўлса ва бу масалага жиддий эътибор бераётган бўлса, ўша ерда Давлат тили яхши ўрганилмоқда. Шуни назарда тутиб келгусида жойлардаги раҳбарларнинг бу борадаги масъулияти ва жавобгарлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш, уларнинг ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш кўзда тутилмоқда.

Шаҳримизда давлат дастурининг бажарилиши юзасидан анча ишлар қилинди, лекин ҳали қилинадиган ишлар кўп. Шундай муаммолар ҳам борки, уларни шаҳар миқёсида ҳал қилиш имконияти йўқ. Масалан, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Адлия, Молия вазирликлари, Статистика ва ҳисобот, суд,прокуратура, Марказий банк тизимларида кенг қўлланиб келинаётган расмий хизмат ҳужжатларининг аксарияти ҳали ўзгартирилмаган. Улар матнида собиқ Иттифоқ даврида қабул қилинган қарор, буйруқ, фармойиш, йўриқномалар мавжуд бўлиб, ҳануз ўз кучини сақлаб келмоқда. Шундай характердаги иш қоғозлари матни республика миқёсида кўриб чиқилиб ўзгартирилиши, яъни соҳа ва тармоқлар бўйича махсус иш юритиш ҳужжатларнинг стандарт намуналари яратилиши даврнинг тақозосидир.

Аксарият вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлардан қуйи идораларга юборилаётган телефонограмма, хатлар ҳамон давлат тилида эмас. Беморларга бериладиган дори қоғозлари матни ҳам кўп ҳолларда давлат тилида бўлмайди.

Туман ҳокимликлари, бош бошқармаларда давлат дастури талабларини назорат қилиш ва бажаришнинг ишчан механизми ҳали яратилганича йўқ. Чунки уларнинг тизимларида ушбу масала билан бевосита изчил ва ваколатли шуғулланадиган мутахассислар штати жорий этилмаган.

Жойларда ташкил этилган ўзбек тилини ўргатиш ва ўқитиш курсларида машғулотлар ўз ишининг сўнгги натижасига аниқ жавоб бермайдиган ширкатлар томонидан шошилинч тарзда олиб борилгани ҳамда ўқитиш услубияти паст савияда бўлгани учун бундай машғулотлар сезиларли натижаларни бермади. Малакали ўқитувчиларнинг етишмаслиги ва ўқитишнинг давр талаблари даражасида ташкил этилмаганлиги учун айрим жойларда ўзбек тили курслари вақтинчалик тўхтаб қолди.

Республика миқёсида давлат дастурига мувофиқ Давлат тилини билишни тақозо этадиган ихтисослар ва касблар рўйхати тузиб чиқилмаган, шунингдек ходимларнинг тегишли тоифаларидан талаб қилиниши лозим бўлган давлат тилини билиш, уларни аттестация синовларидан ўтказиб туриш мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Давлат тили ҳақидаги Қонун талаблари, давлат дастурининг бажарилишини янада яхшилаш учун:

— Давлат тилини ўқитиш ва ўргатиш курсларини бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, яъни ўқитиш курсларини кишиларнинг талаб, эҳтиёж ва қизиқишларига (хизмат вазифаси талаб қилган доирада) мос равишда кичик-кичик гуруҳларга бўлиб, узлуксиз ва босқичма-босқич ўқитишни йўлга қўйиш;

— Давлат тилини ўрганувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ҳисобига уларни тил ўрганишга қизиқтириш усул ва имкониятларини қидириш;

— олий ўқув юртларида русзабонли талабалар орасида Давлат тилини қунт билан ўрганаётганларга имтиёзли (вақти-вақти билан) стипендиялар белгилаб туриш;

— ўзбек тилини яхши билмайдиган барча тоифадаги раҳбар ходимлар, масъул кишиларнинг Давлат тилини билиш даражасини вақти-вақти билан аттестация синовларидан ўтказиб туриш;

— Давлат тилини ўрганиш намунали йўлга қўйилган давлат идоралари, муассаса, ташкилот ва корхоналарнинг бу борадаги ишлари чуқур ўрганилиб, уларнинг иш тажрибалари юзасидан соҳалар, тармоқлар бўйича илмий-амалий анжуманлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Яқинда оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Республика Олий Кенгашининг мазкур Қонунни амалга киритиш ҳақидаги қарори қабул қилинди. Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам шу масалага бағишланган қарор қабул қилинди. Ушбу қарорни амалга оширилиши юзасидан шаҳар ҳокимлиги ҳузурида комиссия тузилиб, унинг олдида турган вазифалар белгилаб олинди.

Давлат тили ҳақидаги Қонун талабларини бажариш анча масъулиятли ва маълум муддатни талаб қиладиган иш бўлиб, бу борадаги вазифалар кўлами кенгайиб бормоқда.

Ҳаёт тажрибаси халқ қабул қилинган қонунларга эҳтиёж сезиши зарурлигини тасдиқлаяпти. Қонунни ижро этишга чинакам эҳтиёж бор жойда, унинг талаблари чуқур ўрганилади. Чуқур ўрганилиб, моҳияти англаниб ижро этилган қонунлар эса кейинчалик халқимизнинг ўзига фойда келтиради. Давлат тили ҳақидаги Қонун келгусида халқимизга фойда келтирадиган, миллий республикамизнинг ҳар томонлама камол топиб, жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштиришда хизмат қиладиган муҳим ҳаётий ҳужжатлардан биридир.

Шуҳрат ЖАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари.

ЯХШИ НЕҒИЗ ЯРАТИЛГАН

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатида Давлат тили ҳақидаги Қонунни турмушга жорий этишда талайгина ишлар қилинди. Жумладан, Давлат тилини ўрганиш бўйича ҳар бир фабрика, бошқарув бўлимларида комбинат тизимидаги давлат тили курслари ташкил этилган. Уларда ўзбек тилини яхши билмайдиган бошқа миллат вакиллари Давлат тилини ўрганишмоқда. Бу ерда Давлат тилини кенг қўламда турмушга жорий этиш учун зарур бўлган моддий-техника базаси яратилган.

Бугунги кунда мазкур комбинатда иш юритиш қоғозлари, буйруқ, фармойиш, қарорлар давлат тилида олиб борилмоқда. Босма иш қоғозлари, тайёр маҳсулот ёрлиқлари, тамғалари, ҳисоб-китоб, статистика, молия ҳужжатлари давлат тилида тайёрланиб, рус тилида такрорланмоқда.

Комбинат ҳудуди ва ишлаб чиқариш биноларидаги шиорлар, плакатлар, даъватномалар ўзбек тилида битилмоқда. Корхонада ўзбек тилида «Тўқимачилар овози» газетаси нашр қилинмоқда.

Бу ерда 50 га яқин миллат вакиллари меҳнат қилишади. Уларнинг аксарияти ёшлар бўлиб, ўзбек тилида бемалол гаплаша олишади.

Яқинда ушбу комбинатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик қўмитасининг раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, шу қўмита раисининг муовини Ҳабибулло Бектемиров, республика Давлат тили комиссияси аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг масъул котиби Ҳусан Иброҳимовлар бўлишиб, бу ерда Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар.

Комбинатда Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганлигининг 4 йиллиги муносабати билан шу санага бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда Одил Ёқубов, Иброҳим Раҳимлар сўзга чиқишиб, Давлат тили ҳақидаги Қонун миллий истиқлолимизни яратишда маънавий пойдевор бўлганлигини алоҳида таъкидлаб, ушбу Қонуннинг республика мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдаги ҳиссаси ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Йиғилишда комбинат бош директори, Ўзбекистон халқ депутати Б. Қ. Эргашев, комбинат директорининг муовини У. Султонова бу ерда ишчи-хизматчилар, ходимларнинг Давлат тилини ўрганишлари учун кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида сўзлаб беришди.

Учрашувда цех бошлиғи В. А. Кузменко, бўлим бошлиғи В. Ким, йигирувчи М. Ҳолмирзаева, ип-йигирув фабрикасининг бўлим бошлиғи Ш. Қурбоновалар сўзга чиқишиб, корхона ходимларининг Давлат тилини ўрганишлари учун яратиб берилган шарт-шароитлардан мамнун эканликларини тўлибтошиб гапирдилар.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ,
Яккасарой тумани Атамалар комиссиясининг раиси.

ЎҚУВ МАРКАЗИДА

«ТОШКЕНТ трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси республикамиздаги улкан ишлаб чиқариш корхоналаридан ҳисобланади. Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган тракторлар нафақат Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳаларига, балки МДҲ давлатларига, жаҳон бозорларига ҳам кўплаб чиқарилмоқда. Бирлашманинг 10 мингдан зиёд ишчи-хизматчилари ҳалол меҳнат қилиб, турмуш фаровонликларини ҳам яратмоқдалар. Хабарингиз бор, ўтган йили бирлашма фаолиятига 50 йил тўлиши муносабати билан катта тантаналар кўнгилдагидек ўтказилди. Бу ерда узоқ йиллардан бери аҳил-иноқ, тинч-тотувликда елкама-елка бўлиб ишлаётган тажрибали фахрийлар, эпчил ва чаққон ёшлар қайси миллатга, элатга мансуб бўлмасинлар, мақсадлари муштарак. Бирлари рус, бирлари украин, бирлари қозоқ, бирлари татар, бирлари тожик, яна бирлари қирғиз бўлишларига қарамай, ҳали-ҳалигача қалин дўст, меҳр-оқибатли. Республикамиз мустақил бўлганидан кейин эса улар янаям жипслашдилар. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонуни қабул қилинганидан кейин бирлашмада зудлик билан ўқув маркази очилди. Мазкур марказ бугунги кунга келиб эса, ҳамма томонлама, айниқса техник қурилмалар билан тўла жиҳозланиб, фуқароларнинг Давлат тилига ўтишларига баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда.

Бу ҳақда бирлашма қошидаги «Давлат тили ҳақидаги» Қонунни амалга ошириш маркази бошлиғи, бош директор ёрдамчиси Файзулла Жалилов билан суҳбатлашиб, кўпгина янгиликларнинг шоҳиди бўлдик.

— Яхши ташаббуснинг қаноти бўлади, дейишади. Марказимиз ташкил этилиши билан, — дейди марказ бошлиғи, — Давлат тилига қизиқиш билан қараётган ишчи-хизматчилар бизни ошириб қўйишди. Айниқса, бирлашмамиз хизматчилари машғулотларимизга биринчилардан бўлиб ёзилишди. Тўғри-да, ўзининг меҳмоннавозлиги, меҳр-оқибати, ажойиб анъаналарию юксак маданиятига ким ҳам қизиқмайди, дейсиз. Тили ширинлигини-ю, қўяверасиз. Тил билган — дил билади, деб бежиз айтишмайди машойиҳлар. Дарвоқе, шуни ҳам алоҳида таъкидлагим келади: бирлашмамиз бош директори Владимир Александрович Беляевнинг бу эзгу ишга ўзлари бош қўшиб, бизга керакли бўлган барча қўлланмалар, дарсликлар, компьютерлар ҳамда етарли шарт-шароитлар билан таъминлашда хизматлари катта. Мана шу давр мобайнида жуда кўп ишчи-хизматчилар . билан ишлаб, уларни имкон қадар Давлат тилида эркин сўзлаша олишларига кўмаклаша олдик. Рўйхатга олиниб, ўқув сабоқларимизга мунтазам қатнашиб турганларидан ташқари ўз иш жойларидан ажрамай, сирқи бўлимларимизда қўлланмаларимиз, дарсликларимиздан унумли фойдаланиб, мустақил ўрганаётганлар ҳам кўп. Ҳозир марказимиз ўз кутубхонасида 2000 дан зиёд қўлланма, дарслик, сўзлашув луғатларимиз бор. Т. Азлархонов, У. Лафасов, Н. Кашимов, У. Иброҳимова, Т. Худойбердиева каби устоз-муаллимлар жадвал бўйича машғулотлар олиб борсалар, марказимиз таржимонлари Тоҳир Фозилов, Дилором Сафоева, дастурчи-муҳандис Абдували Муҳамедовлар ҳам яқиндан кўмаклашмоқдалар. Очиғини айтишимиз керак, ҳеч кимнинг бўш вақти йўқ. Худди шу кунларда ҳам машғулотларимизга қатновчилар учун яна бир қулайлик яратиш устида иш олиб бормоқдамиз. Деярли бу вазифа адо этилиш арафасида турибди. Яъни, талабаларга янаям тушунарлироқ бўлиши, хотираларида яхши сақлаб қолишлари учун дарсларимизни лингофон воситасида ҳам ўтмоқчимиз. Бундан ташқари марказимиз дастурчи-муҳандиси Абдували Муҳамедов ҳар бир цехларга ўрнатилган компьютерлар учун махсус дастур асосида луғатлар тайёрламоқда, Яъни, иш вақтида ким қандай сўзга эҳтиёж сезса, шу заҳотиёқ компьютер тугмасини босса, дастур унга керакли сўз топиб беради.

— Муаммолар ҳам борми?

— Деярли йўқ, — дейди марказ таржимони Тоҳир Фозилов. — Нимани ҳам муаммо дейиш мумкин. Бош директоримизнинг қарорларига биноан бирлашмадаги барча иш юритиш, ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳам босқичма-босқич ягона давлат тилида олиб борилиши учун замин ҳозирланмоқда. Яна бир ташаббусни қўлламоқчимиз. Яъни бирлашмамизнинг махсус «Ишчи овози» газетасида босилаётган мақолаларни, хабарларни, янгиликларни ҳам ягона давлат тилида эшиттириб, қизиқувчилар сонини янаям кўпайтирмоқчимиз.

Зоир ТУРСУНОВ.



ҲАР бир нарсага муҳаббат, эътиқод болаликдан бошланади. Буни яхши билган шаҳримиздаги 22-мактаб директори, халқ ўқитувчиси Ҳокимжон Ҳошимов ўзбек тили, унинг тарихи, босиб ўтган йўли ва ниҳоят давлат тили мақомига эга бўлганлиги хусусида болаларга эринмасдан ҳикоя қилиб беради.

СУРАТДА: моҳир педагог Ҳокимжон Ҳошимов навбатдаги суҳбатни ўтказмоқда.

УЗБЕК тилини пухта билиш аввало ўқувчилардан диққат-эътибор, қунтни талаб қилса, сўнгра ўқитувчидан масъулиятли ва чидамли бўлишни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам шаҳримиздаги 13-мактабнинг она тили ўқитувчиси Гулхумор Ҳамдамованинг дарслари қизғин ўтади.

Равиль Альбеков суратлари.

* *Муштарий илҳомлари*

СЕН МЕНИНГ ФАХРИМСАН

Ўзбек тили эрур нақадар гўзал,
Бу тилда Алишер куйлаган ғазал.
Ёқимли, ёқимли, ширидир, асал,
Улуғбек, Бобурлар сўзлаган тилим,
Улуғ ҳақиқатни кўзлаган тилим!
Кимки этмай писанд қилмоқ бўлди хор,
Оқибат ўзлари қолдилар зор-зор,
Янграйсан ҳамиша дилбар, беозор,
Баҳорим, ёзимсан, эй она тилим,
Қўлдаги созимсан, эй она тилим!
Сенда битилгандир улуғ китоблар,
Сенда айтилгандир буюк хитоблар,
Сенга ярашади журъат, шитоблар
Ёқимтой саболи, эй она тилим,
Пардали, қаболи, эй она тилим!
Боболарим сенда айтган ҳикоят,
Тарихда ким сендан қилган шикоят?!
Қадру қимматингни топдинг ниҳоят,
Сен менинг фахримсан, эй она тилим,
Жозибам, сеҳримсан, эй она тилим!
Истиқлолим қайта берди ҳаётни,
Ҳеч қачон кўрмагин завол, барбодни
Бемалол куйлайвер «Сегоҳ», «Баёт»ни
Сен менинг фахримсан, эй она тилим,
Уммону бахримсан, эй она тилим!

Дилфуза САРИМСОҚОВА.

АВВАЛО ҚУНТ КЕРАК

ЎЗБЕК тилини пухта билиш — бу давр талаби. Айниқса, биз тиббиёт ходимлари ҳар куни ўнлаб, юзлаб беморлар билан мулоқот қилишимизга тўғри келади. Табиийки, уларнинг кўпчилиги ўзбеклар бўлади. Биз ўзбекчага тушунмасак, улар ўз дардини рус тилида изҳор қилолмаса анча оворагарчилик туғилади.

Бу борада поликлиникамизда ўзбек тилини ўрганиш гуруҳи олиб бораётган ишлар мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Гуруҳга 15 киши, асосан русийзабон ҳамшира ва шифокорлар қатнашади. Ўзбек тили муаллимаси Васила Зайнутдинова ўзбек тилида мавжуд бўлган барча иборалар, талаффузлар, хусусан, тиббий атамаларни эринмай тушунтиради. Икки йилдан бери давом этиб келаётган дарсларнинг самараси кўринib қолди. Ҳозир беморлик варақаси, ҳисобга олиш ишлари, касаллик тарихини тўлдириш тўла ўзбек тилида олиб борилмоқда. Беморлар билан ҳам сал қийналиб бўлса-да ўзбек тилида мулоқот қилмоқдамиз. Эндокринолог Людмила Пропачева, Надежда Сирокиналар ўзбек тилини ўрганиш борасида барчага ўрнак бўлмоқда.

Галина ДЕНИСОВА,
1-марказий поликлиника ички касалликлар шифокори.

РАВОН СЎЗЛАШИШАДИ

— БУГУНГИ машғулотимизда сабзавот ва мевалар ўзбек тилида қандай айтилишини ўрганамиз.

— Мана бу тарвуз.

— Бу олма.

— Мана буниси эса анор.

Тарбиячи қўлидаги суратларни бирма-бир кўрсатар экан, болалар ҳам унинг кетидан такрорлашарди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилгандан сўнг, табиийки, тарбиячилар зиммасига янада масъулиятли вазифалар юклатилди. Энди ёш авлодни маънавий, жисмонан кучли, бақувват қилиб тарбиялаш билан бир қаторда бошқа миллат болаларига Давлат тили — ўзбек тилида бенуқсон, равон сўзлашишни ҳам ўргатиш керак. Чунки ёш болаларнинг мияси катталарникига қараганда яхшироқ қабул қилади. Шундай экан боғча ёшиданоқ болаларни ўзбек тилида сўзлашишга ўргатилса, улар келажакда етук мутахассислар бўлиб етишади.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлимига қарашли 267-болалар боғчасида ёш авлодга Давлат тилини ўргатиш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Боғчада ишчи-хизматчиларнинг 120 нафар ўғил-қизлари тарбияланаётир. Аввалари боғчада машғулотлар фақат рус тилида олиб бориларди. Ҳозирда эса алоҳида ўзбек гуруҳи ташкил этилиши билан бир қаторда, ўзбек тилида машғулотлар ўтиш йўлга қўйилди. Диққатга сазовор жойи шундаки, бу ерда қўғирчоқ театри, тўқиш, мусиқа тўгараклари билан бир қаторда ўзбек тили тўгараги ҳам ташкил этилди. Унга тайёрлов - гуруҳи тарбиячиси Маҳмуда Шукурова раҳбарлик қилмоқда. Машғулотлар ҳафтада 2 марта ўтказилади. М. Шукурова нафақат кичкинтойларга, балки боғча жамоасига ҳам ўзбек тилидан сабоқ беряпти.

— Ҳаракатларимиз зое кетмаяпти, — дейди биз билан суҳбатда оромгоҳ услубшуноси Фаина Григоренко. — Рус забон тарбиячиларимиз ўзбек тилида бир мунча сўзлашишни ўрганиб олдилар.

— Мен эса болаларга ўргатиш билан ўзим ҳам «Шамол», «Қувноқлар қўшиғи», «Қувноқ болалар» каби ўзбек тилидаги қўшиқларни ўрганиб олдим, — дея суҳбатга қўшилди мусиқа раҳбари Маргарита Таирова.

Бундан ташқари чоршанба, жума кунлари ўзбек тили куни деб белгиланган. Шу куни ёшу катта—барча Давлат тилида сўзлашишга ҳаракат қилади.

Шунингдек, қўғирчоқ театри тўгарагида ҳам, ўзбек халқ эртакларини саҳналаштириш орқали кичкинтойларнинг нутқини ўстиришга эришилмоқда.

Обида МИРЗАҚУЛОВА.

** Мирзо Бобур сабоқлари*

«КЎЗНИ ЮМИБ ОЧҚУНЧА БУ ГУЛЗОР ТОПИЛМАС»

● Қачонки Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳақида сўз борса, ё ул зотнинг дилбар ғазалларини эшитсам ёхуд ўқисам кўнглимда бир савол кечади: Мирзо Бобур ҳаётни севганмиди? Унинг гўзаллигидан, бахтиёрлигидан баҳра олганмиди? Қанча яшаса ҳам ҳаёт неъматларига тўйиб бўлмаслигини бирон марта бўлса ҳам ҳис этганмиди? Ҳа, севган десам, ғазалларида нечук ночор руҳ? Севмаган десам нечук бунчалар серзавқлик, ташналик?

Ҳаёт шунчалар чиғил, шунчалар ширин, шунчалар риёли, шунчалар жилолики, ҳар лаҳзада унинг бир нағмасию неъматини кўриб турасан. Мабодо Мирзо Бобур юрагида юрт соғинчи, ватан дарди бўлмаганда, билмадим, ул зотнинг тақдири нима бўлар эди? Магар биров сенинг насибанг олис мулки Ҳиндга сочилган деса, у барча нарсадан кечиб, Самарқанд остоналарига бош қўйиб, жон таслим қилмасмиди?!.

ЯНА уйқу қочди. Мирзо лавҳ узра бош эгганча мутолаага тутинди. Нечукдир унинг дили бугун беҳолроқ, бемажолроқ.

— Недандур бу? — Бобур мутолаадан бош кўтариб, ўйга толди. — Нечун менинг юрагим гоҳ-гоҳ сиқадур? Оғир-оғир хаёллар мисли тоғдек мени эзадур.

Шам липиллайди. Унинг сояси хоскона деворларида ожизгина ўйнайди. Бобурга бул хона торлик қилди. Елкасига зарбоф тўнини ташлаб, оёғига кафшини илди. Эшик очилиши билан ҳамиша сергак маҳрам дик этиб ўрнидан турди. Бобур қўли билан бас ишорасини қилиб, оғир одимлади. Маҳрам беихтиёр унга эргашди. Мирзо пайқамасин учун ўзини сарв панасига олди.

— Куни кечагина мана шу ерларда чўп ҳам йўқ эди, — кўнглидан кечирди Бобур, — бугун лолафшон боғ ичида Андижон томонларда пишадиган зардолулар бор. Узум бу йил ҳосилга кирган. Ҳинд элида йилнинг тўрт фасли ҳам ёз. Андижонимда ҳозир куздир. Тармевалар пишган. Япроқлар олтин. Узумлар шарбат.

Мирзо оҳиста кўкка кўз солди: бул юлдузларнинг қай бири Андижоннинг фируза самосида жилва қилар экан. Ёки ҳар элнинг ўз юлдузи борму экан? Нечук бизнинг чекларга Ҳиндистон осмони узра юлдузларни томоша қилиш ёзилибдур?

Бобурнинг юраги увушди. Андижон қирларида беҳадик, беташвиш от ўйнатиб, қирғовул овлаб юрган дамлари кечди. Ўшанда ўн икки ёшда эди. Ўн икки ёшида шоҳлик тахтига ўтирди. Кўплар Умаршайх Мирзонинг бевақт фожиаси Бобурга қўл келди дейишди ҳам. «Бўлмаса бул тахт унга қаёқда эди» дея писанда қилгувчилар бўлганлигини у шу бугун мулку Ҳиндга шоҳ бўлганда алам билан эслади.

— Ўшанда тож-тахт даъвосидан кеча қолсам нима қиларди, — Бобур ўксиниб кўнглидан кечирди. — Бунчалар хўрликлар кўрмасмидим? Юртимдан олисда уни қўмсаб яшамасмидим!

Ўн икки ёшли бола унинг кўз олдида намоён бўлди. Улғайиб, идрокини жамлаб ўйласаки, энди тахтдан кечиб бўлмайдур. Парчаланиб бораётган, бобокалони қон ва шон эвазига дунёга келтирган улуғ бир давлатни сақлаб қолиш учун ҳам у тахтни маҳкам ушламоғи зарурлигини англаб етди. Шунга интилди, шу ниятда ҳарбу зарбларга ўзини отди. Ютди, ютқизди. Ёвни қувди, ўзи ҳам қувилди...

...Мирзо Бобур юраги яна увишаётганини сезди. Оҳиста боғнинг икки туп узум экилган томонига одимлади.

— Шукр, мулки Ҳиндни барбод қилмадим, обод қилдим. Биронта дарахтини кесмадим, боғрида ўнларча боғлар яратдим. Евузликлар қилмадим, менга ҳам муҳаббат инъом этди бу халқ. Нетай, тариқдай бўлса ҳам ризқим шу ерларга сочилган бўлса? Йўқса сенинг боғрингга тулпорим туёғи етарми эди, эй улуғ улус!

Шу онда Мирзо Бобур Амир Темур соҳибқиронинг Ҳиндистонга қилган сафарини эслади.

— Ажаб, — ўйлади у, — нахотки шул тариқдай ризқни соҳибқирон бобомиз бизга ташлаб кетган бўлсалар! Нахотки бир умр Самарқанд хаёли бирла яшашимни ихтиёр этган бўлсалар?!

Бобур Мирзонинг кўнгли бузилди. Ичичидан отилиб чиқишга шай ўкликни аранг босиб, боғ тўрига юришда давом этди. Барглари ҳамон яшил ток новдасида бир бош узум ой нурида товланиб турарди.

— Во ажабо, — Мирзо тиз чўкиб узумни искалади, — бу сенмусан менга Андижоним, Аҳсимнинг ҳидини, тароватини, шарбатини олиб келган?!

У узумни авайлаб узиб олди. Бир ғужумини оғзига солмоқ бўлдию бу фикридан дарҳол қайтди: Моҳим бегимга олиб борай.

Моҳим бегим Мирзо Бобурни тун қоронғусида кўриб, ҳайратланди.

— Тинчликми амирим? Нечук безовта юрасиз?

Бобур индамайгина унга бир бош узумни узатди.

— Эсингиздами, Моҳим, Андижондан келтиришган новдамиз нишона бермишдир.

Моҳим бегим узумни олди. Бир ғужумини оғзига солди. Томоғига бир нарса тиқилди. Ҳиқиллаб йиғлади. Бир-икки томчи ёш унинг қирмиз юзларидан думалади.

— Сизга тегиб, саргардонликдан ўзга ҳеч нимарса кўрмадим, — деди узумни аста Бобурга қайтиб узатаркан.

Бобур муз тортиб кетди: сен-а, Моҳим, сенми ўша Ҳиротнинг гули?! Менинг дардларимга дармонларим деб юрганим сендан шу гапни эшитдимми? Унинг назарида бир бош узумнинг ғужумлари кўз ёшларига ўхшаб кетди.

У оҳиста хонаи хосга қайтар экан, дилида ҳаётга, зулмга қарши назм бош кўтара бошлаган эди.

Сендек манга бир ёри жафокор
топилмас,
Мендек санга бир зори вафодор
топилмас.

— Топилмас, — такрорлади Бобур Мирзо, — топилмас, ҳаргиз топилмади, энди ҳам топилмагай. Ёраб, умр деб аталган бул неъмат шунчалар тахир, шунчалар аччиқ бўлурму? Сарсон юрганларим етмагандек, энди Моҳимнинг ҳам қўлига ниш берубсанки, ул ҳам манга санчиш орзусида эркан, санчди.

Шу онда улуғ бир салтанатнинг эгаси, Ҳумоюндек комил ўғилнинг, Гулбандек оқила қизнинг отаси эканлиги ёдига тушиб, тавба қилди:

— Ё тангрим, куфр айтган сўзларимни ўзинг маърифат айла. Берган нону насибангга шукр қилурмен.

Мирзо яна лавҳ узра эгилди. Унинг қўлларида патқалам яна ўйнай бошлади. Ажаб бир ҳусни хат билан Мирзо назм иншо этарди.

Бу шаклу шамойил била ҳуд
ҳуру парисен,
Ким жинси башар ичра бу
миқдор топилмас.
Аҳёр кўз олидау ул ёр аён йўқ,
Ғам хори кўнгул ичраю
ғамхор топилмас.

Бунчалар дилидаги туғёнларни қоғозга туширолганидан Мирзонинг қалби завқланди. «Чиндан ҳам ғамдан кўнгил тўлиб кетди, аммо ғамхўрим қани? Қани ўша ҳол сўргувчи зоти бобораком?!» У патқаламни лабига тишлаб болишини тирсаги остига тортди. Хаёлга берилди.

Чиндан ҳам ҳаётимда нима яхшию нима ёмонни кўрдим. Андижон қайдаю Огро қайда? Орасида ҳазор чақирим масофа. Лекин шу масофалар оша юртим чақирса лаббай деб етиб бормасму эдим? Энди мени у ёқда ким эслайдур? Бобурдек саргашта бир зот кимга ҳам зарур бугунги кунда? Умр эса ўтди кетди. Кўз очиб юмгунча? Ёраб, бунчалар шошқин бу ҳаётим? Бунчалар аёвсиз ҳайдаса ўз тулпорини!

Эй гул, мени зор этмаки ҳуснунг
чаманида,
Кўзни юмиб очқунча бу гулзор
топилмас.

Мирзо Бобур оҳиста патқаламига қўл чўзди. Юрагидан яна байт қуюлиб келар эди.

Бобур сени чун ёр деди, ёрлиғ этгил,
Оламда кишига йўқ эса ёр топилмас.

Шу кеча Бобур маҳзун хаёлларга берилди. Негадир сўнгги дамларда мулки афғондаги боғларини, болалик чоғларини, Ахсикентдаги чорбоғларини эслаб соғинарди. Юрагидаги оловни на Огродаги диловор боғлар жамоли, на фарзандлари камоли, на чоғир босар эди. Энди унинг қирқ беш йиллик умридан орттирган буюк бойлиги — соғинч уни ўз бағрига олган. Мирзо Бобурнинг дилига сўнмас титроқ солган эди. У ёзгиси келарди. Йиғлаб-йиғлаб ёзгиси келарди, тўлиб-тўлиб ёзгиси келарди. Ҳаётга муҳаббат, айни чоқда норизолигини изҳор этиб чарчамасди. Унинг пешонасидаги ажинлар чуқурлашган сари, юрагидаги соғинч ўтлари ҳам юксалиб борарди. Тасалли борму бу девонаваш кўнгилга?

— Йўқ, — кўнгилдан кечирди Мирзо Бобур, — йўқ эмди насиҳат менга ҳожат эрмас. У қоғозга оҳиста ёза кетди:

Қўй, эй оқил, насиҳат сўзларинким
дилписанд эрмас.
Менинг девона кўнглумга насиҳат
судманд эрмас.
Қилурсен талх айшим комини
беҳуда сўзлардин.
Саросар сўзларинг заҳредур, эй
носеҳки, панд эрмас.
Бўлубмен бир парининг анбарин
сочиғ вобаста,
Мени телбага эмди ҳожати
занжиру банд эрмас.

Қуйилиб келарди ғазал, қуйилиб келарди. Бобур ҳар сатрни ёзгани сари дили равшанлашар, енгил тортгандек эди.

Жаҳонда кўп гадо, гарчи
лаванд атворлиқ бордур,
Валекин, Бобуро, ҳаргиз сенингдек
шаҳ лаванд эрмас.

Шу тун тонгга уланди. Саҳар еллари гуллар атрини думоққа келтирганида Бобур сармаст эди. Ижод завқидан сармаст эди. Ташқарида эса булбуллар, қумрилар гулнинг қошида нола чекиб, афғон қиларди гўё:

Эй гул, мени зор этмаки
ҳуснунг чаманида,
Кўзни юмиб очқунча бу
гулзор топилмас.

● Ривоят қиладиларки, бир донишмандга энг тахир нимарса келтир, дебдилар. Донишманд бир пиёла сув келтирибди. Ундан хўплаб сўрабдилар:

— Тахирлиги бонси недандур?

— Унга алам чеккан онимдаги кўз ёшларим томган.

— Энди энг ширин нимарса келтир, — дебдилар. Донишманд яна бир пиёла сув келтирибди. Ундан хўплаб сўрабдилар:

— Хуштаъмлиги бонси недандур?

— Унга севинч ёшларим томган.

Мирзо Бобурнинг ғазалларидаги сабоқларни, ундаги оҳу фиғон, ёр аталмиш ҳаёт васфи нелигини англаш учун дастлаб бир пиёла аччиқ йиғининг, бир пиёла севинч онларининг кўз ёшларини қуймоқ, иккисидан баробар хўпламоқ, сўнг идрок қилмоқ лозим. Ана шундагина бу сабоқлар дилу жонга жойлангусидир.

Темур УБАЙДУЛЛО.

** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллиги олдидан*

ОЛТИН ЗАНГЛАМАС

БИЗ академияга қадам босган даврда у ҳали ёш, ихчам институтлари энди оёққа тураётган, юқори малакали олимлар — фан докторлари саноқли эди. 50-йилларда маҳаллий миллат вакилларидан 25—30 киши докторлик унвонига эга эди, холос. Абдулла Тўқай кўчасида жойлашган 2 қаватли кичкинагина бинога (бу бино ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, унда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг кутубхонаси жойлашган (5 та илмий-текшириш институти (Тил ва адабиёт, Тарих ва археология, Иқтисод, Геология институтлари, Ботаника институтининг лабораториялари ҳамда академиянинг асосий кутубхонаси) жойлашган эди. Ҳозир шу институтлар асосида 13 илмий-текшириш институти барпо этилди.

50—60-йиллар академия тарихида муҳим ва сифатий ўзгариш йиллари бўлди. Бунинг бошланиши 1956 йил, академиянинг президенти лавозимига машҳур олим ва ташкилотчи Ҳабиб Абдуллаев ҳамда ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича вице-президент лавозимига Иброҳим Мўминовнинг сайланиши сабабчи бўлди. Бу икки машҳур олимнинг Ўзбекистон фанига, унинг келажаги, равнақига, айниқса юқори малакали миллий илмий кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссаси, ғамхўрлиги чексиз ва улкандир.

Академияда ўша йиллар янги-янги институтлар, бўлимлар, лабораториялар очилди, истеъдодли ёшлар аспирантурага Москва, Ленинград ва бошқа илмий марказларга кўплаб юборилди. Кенг қулочда қурилиш ишлари бошланди. Академия шаҳарчаси барпо этилиб, унда ўнлаб институтлар учун янги бинолар қурилди, юзлаб уй-жойсиз олимларга, айниқса ёшларга қулай уй-жой шароити яратилди. 60—70-йиллар ниҳоятда мураккаб, марказнинг маъмурий-буйруқбозлик сиёсати, КПСС Марказий Комитетининг зўравонлиги ва ҳукмронлиги ниҳоятда авжга чиққан йиллар эди. Арзимаган баҳона билан «миллатчи», «совет тузуми душмани» каби айблар қўйиб, не-не истеъдодли, халқпарвар, миллатпарвар зиёлилар жувонмарг қилинди.

Ҳали 50 ёшга етмаган, Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантиришда, миллий кадрларни етиштиришда, уларнинг кашфиётларини ва номларини бутун дунёга машҳур қилишда астойдил фидойилик қила бошлаган ва ундан кейин ҳам Ўзбекистон фани ва маданиятига янада каттароқ ҳисса қўша оладиган машҳур олим Ҳабиб Абдуллаев ана шундай қувғинларга учради.

Буюк миллатчилик шовинизми авж олган йиллари ҳам ўзбек халқи тарихини оқилона ёритиш, унинг миллий ва маънавий қадриятларини ҳимоя қилиш, буюк сиймоларга тўғри баҳо бериш йўлида қурбонлар ҳам кам бўлмади. Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шундай деган эди: «Шу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озодликни соғиниб, озодлик йўлида курашиб ўтган аждодларимизни дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир».

Академик Иброҳим Мўминов ҳам ана шу кунга етолмай, Амир Темурга ҳалол ва тўғри баҳо бериб, унинг тарихдаги ўрнини ҳаққоний кўрсатиш йўлида қурбон бўлган буюк сиймолардан биридир. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти сифатида барча ижтимоий ва гуманитар фанлар тараққиёти учун жон куйдирар, ўзбек халқи тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга даъват этарди.

Амир Темур номини жаҳон тарихи ва халқ хотирасида тиклаш йўлида Иброҳим Мўминовнинг энг машҳур ва шов-шувга сабабчи бўлган асарлардан бири «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» ҳамда у кишининг ташаббуси билан қайтадан нашр этилган «Темур тузуклари»нинг факсимил нашри бўлди. Коммунистик диктатура ва мустамлакачилик исканжаси энг авжга чиққан, тоталитар тузум қутириб, миллий республикалар ва айрим миллат ва элатларнинг ҳуқуқлари ниҳоятда чекланган, уларнинг маданий-маънавий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари топталган, марказнинг якка ҳокимлиги ва маъмурий-буйруқбозлик юқори нуқтасига чиққан даврда бундай асарни ёзиш ва нашр этиш — жасорат, қаҳрамонлик эди. Бу асар олимга шуҳрат келтирди, у кишининг номини улуғлади, халқнинг, зиёлиларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлди. Шу билан бир вақтда бу рисола марказнинг иззат нафсига тегди, ғазабини уйғотди. У кишининг устига қўйилган айблар, ёғдирилган бўҳтонлар, маломатлар оқибатда оғир мусибатга — бу дунёдан бевақт кўз юмишларига сабабчи бўлди.

Академия тарихида энг узоқ вақт президент бўлиб ишлаган, Ўзбекистонда илм-фаннинг тараққиётига, илмий кадрлар тайёрлашга улкан ҳисса қўшган инсонлардан бири Ўзбекистон академиясига 1966—1984 йилларда раҳбарлик қилган академик Обид Содиқовдир. У СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Меҳнат Қаҳрамони эди. Ўрта Осиё тарихида фақат 2 кишигина СССР академиги унвонига сазовор бўлган. У кишининг номи фақат собиқ СССРдагина эмас, балки бутун дунёга машҳур бўлиб, ўзбек эли ва миллатининг фахри эди.

Лекин шунга қарамай, 80-йил ўрталарида у кишига ҳам ҳуруж бошланди, кураклда турмайдиган сунъий айблар билан ишдан бўшатишди.

Мана Ўзбекистон бу сиймолар орзу қилган ва пойдеворига дастлабки ғиштларни қўйган мустақиллик, истиқлолга ҳам эришди. Мустақил Ўзбекистоннинг миннатдор ҳозирги авлоди бу зотлар таваллудининг 80 — 85 йиллигини катта тантаналар билан нишонламоқда.

Олимлар ҳар бир жамиятнинг олтин фондидир. Уларни авайлаб ўстириш, эъзозлаш, ҳурмат қилиш, меҳнатига яраша қадрлаш, улуғларга тасаннолар айтиш ҳамма учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Олтин ҳеч вақт зангламайди. Келажак авлодлар бизнинг тарихга ўз даврида яшаган ва ижод қилган улуғ инсонлар, уларнинг фаолиятлари, халқ, давлат олдидаги хизматларини ўрганиб баҳо беради. Мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўзбек халқи маданияти, фани, маънавиятини юксалтириш йўлида фидойилик қилган сиймолар номи ўзбек халқи тарихи саҳифаларида олтин ҳарфлар билан ёзилажак.

Абдулҳай ВАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

** Китоб жавонингизга*

УСЛУБИЙ ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР

ИНСОН омили тобора кўпроқ ҳал қилувчи куч бўлиб келаётган ҳозирги вақтда ҳар бир ўқувчининг фикрлаш доирасини кенгайтириш, жамоа манфаатини ўз манфаатидан юқори қўя олиш, ўз вазифасига виждонан, сидқидилдан муносабатда бўлиш муҳим маърифий ва тарбиявий аҳамият касб этади. Бу каби мактаб ўқувчисига хос бўлган фазилатларни ёшларда шакллантириш ўз-ўзини бошқариш тизими орқали амалга оширилади.

Мактаб таълимида ижодий фикрлашни ошириш, ҳамкорлик педагогикасини такомиллаштириш билан бирга ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришига педагогик раҳбарликни яхшилаш учун кенг йўл очиб бермоқда.

Шу сабабли ҳали ушбу педагогик муаммо алоҳида муҳим тадқиқот мавзуси бўлиб хизмат қилмоқда. Таниқли педагог олим Улфат Маҳкамов шу соҳада жиддий илмий кузатишлар олиб бориб «Ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришига педагогик раҳбарлик» деган тадқиқотни амалга оширди.

Ушбу самарали педагогик изланиш яқинда китобча ҳолида кўп нусхада чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти томонидан босмага тайёрланган ушбу китобчада ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим педагогик томонлари атрофлича ёритилган.

Бундай педагогик жараённи ташкил этишнинг услубиёти ва шакллари кўпчилик кузатишлар ва бой тажрибалар асосида кўрсатиб берилган. Бу хил фикрлар ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришда ижтимоий фаолликни ошириш, ахлоқий эътиқодларни шакллантиришда етакчи мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган. Ушбу педагогик жараённинг меҳнат таълими, тарбияси ва касб танлашда тутган ўрни хусусида ҳам муаллиф яхши фикрларни билдириб, ўқитувчиларга фойдали услубий йўл-йўриқларни берган.

Китобчада ўқувчилар ўз-ўзини бошқаришига педагогик раҳбарликнинг такомиллаштириш йўллари ва асосий йўналишларидаги материаллар асосида ёритилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларда ишбилармонлик иқтидорини ривожлантириш ва меҳнат ишларини ташкил қилишга доир услубий йўл-йўриқлар ҳам ўз ифодасини топган. Умуман, ушбу тадқиқот мактаб таълими талабларидан келиб чиққан ҳолда давр руҳига мос ҳолда чоп этилган.

Акбар АЛИЕВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

** Ҳар тўғрида*



БРЯНСК автозаводидаги махсус ажратилган 300 квадрат метр жойда балиқнинг турли-туман хилларини етиштириш йўлга қўйилди. Унинг асосий қисми завод ишчиларига, қолгани эса шаҳар аҳолисига сотилмоқда.

СУРАТДА: Брянск автозаводи балиқ цехининг сув ҳавзаси.

РАТА—ТАСС суратн.

ФРАНЦИЯ. Меҳнат қилгандан сўнг дам олиш ҳам керак. Узум етиштирувчи мана бу ёш миришкорлар Верту шаҳри атрофи бўйлаб юз километр масофагача ушбу ёғоч бочкани (суратда) навбат билан тўхтовсиз думалатиб боришяпти. Нима ҳам дейиш мумкин, ҳар ким ҳар хил ҳордиқ чиқаради.

АФП—РАТА—ТАСС суратн.

Ўзбекистон тасвирий санъат музейи шаҳримизнинг ўзига хос маданият масканларидан бири ҳисобланади. Бўш вақтларда музей заллари бўйлаб сайр қилган киши туйғулар олами билан ошно бўлади.

Виктор Багаев суратн.

** Маданият хабарлари*

ЎҚИТУВЧИЛАР МЕҲМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан Республика ўқув-услубиёт марказида адабиёт дарслигига асарлари кирган адиблар билан очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Бундай учрашувларни ўтказишдан мақсад дарсликдан ўрин олган асарларнинг яратилиш тарихи билан адабиёт ўқитувчиларини кенгроқ таништириш, ёзувчи, шоир ҳаётига оид маълумотлар билан ошно қилиш, ҳар бир болага асар ва адиб ҳақида чуқурроқ маълумот беришдан иборат. Ана шундай очиқ мулоқотнинг дастлабкиси Ўзбекистон халқ шоири, жамоат арбоби Шукрулло ижодига бағишланди.

Республикамиздаги деярли барча мактабларнинг тил ва адабиёт ўқитувчилари иштирок этган бу мулоқотни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев кириш сўзи билан очди. У ўз сўзида мустақиллик шарофати билан халқ таълими борасида кўпгина ўқув дастурларининг қайта кўриб чиқилгани, айниқса тарих ва адабиётга холис баҳо берилганини таъкидлади. Сўнгра Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби Жамол Камол сўзга чиқиб, шоирнинг сўнгги йиллардаги ижоди ўзбек халқининг қисматига ҳамоҳанг эканлигини, айниқса «Кафансиз кўмилганлар» асарини қатағон йилларининг ойнаси дея таъкидлади.

Учрашувда шоирнинг ўзи сўзга чиқиб, ҳаёт ва ижод йўли, жумладан ёшлик йиллари, устоз ва дўстлари хусусида ҳикоя қилди. Шунингдек «Кафансиз кўмилганлар» асари, «Ҳатарли йўл», «Унсиз фарёд», «Ўғрини қароқчи урди», «Жанжал», «Табассум ўғрилари» каби саҳна асарлари ҳамда бир қанча шеърларининг яратилиш тарихи, улардан кўзланган мақсад ҳақида батафсил сўзлади. Сўнгра Шукрулло ижодини акс эттирувчи фильм намойиш этилди.

Шундан сўнг шоир ўқитувчиларни қизиқтирган саволларига жавоблар қайтарди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

МАРКАЗДА БАЙРАМ

ЯҚИНДА Бошқирдистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан республикамизда фаолият кўрсатаётган бошқирдларнинг миллий-маданий марказида байрам бўлиб ўтди. Маълумки, республикамизда 34 мингдан зиёд бошқирдлар яшаб, тинч, фаровон меҳнат қилиб келишади.

Тантанани олиб борган Юля Туламешова ўз миллати тарихи, Ўзбекистон билан Бошқирдистоннинг дўстона муносабатлари ҳақида батафсил гапирди. Шундан сўнг бошқирдларнинг миллий-маданий маркази бошлиғи М. Гайцин, «Фан» нашриёти катта рассоми Б. Хайбулин, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ходими Р. Шариповлар йиғилганларни байрам билан қизғин қутлади.

Шу куни марказ қошидаги миллий даста аъзолари ўзларининг катта концерт дастурини намойиш қилишди. Дастурхонга бошқирд миллий таомлари тортилди.

Бу шодиёнада Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданий марказ директори Озод Каримов юртимизда тинчликни таргиб қилиб, аҳил меҳнат қилаётган бошқирдларни байрам билан табриклади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

МАНГУ ЛАҲЗАЛАР

ТОШКЕНТДАГИ «Илҳом» театр-студия саҳнасида кўпгина қизиқарли спектакллар қўйилди. Санъат аҳли репертуаридан мустаҳкам ўрин олган энг яхши постановкаларни мангу жонли лаҳзалар янглиғ оммалаштириш мақсадида кейинги пайтда ҳайрли ижодий ишга қўл урилди. Бир гуруҳ кино ва фото сурати усталари жиддий изланиш олиб бориб, махсус фильм яратдилар.

Турли саҳнавий кўринишлар акс этган талайгина фотосуратлар мазкур фотофильм учун асосий материал бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, «Илҳом» театр-студияси ушбу қизиқарли ижод намунасини юзага келтиришда қайноқ режиссёрлик маҳоратини намоён этди.

Санъат қошонасининг жўшқин ижодий фаолиятини ўзида жонли ифодалаган мазкур экран асари яқинда театр-студияда очилган ўргазма дастури доирасида томошабинларга кўрсатилди. Бундан кейин «Илҳом» санъат аҳли томонидан уюштирилдиган маданий тадбирлар жараёнида ҳам ушбу фотофильм намойиш қилиб борилади.

Ваҳоб ВАЛИЕВ.

** Раҳмдил ва меҳр-мурувватли бўлайлик*

ЯХШИЛАР БОР ЭКАН...

«Ҳар нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити — мискин фақирларни севишдир», дейилади муқаддас Ҳадисда. Ойлаб касал боқкан одамнинг кўзига ҳеч қараганмисиз? Бирор табибдан мужда айтармикин, дея сизга жовдираб туради. Қўшиқ хиргойи қилиш у ёқда турсин, ҳатто бехос кулгудан ўзингизни тиясиз.

2-ақли заиф болалар уйида шифокор бўлиб ишловчи Маҳфуза опанинг ҳузурига кираётиб ҳаёлимдан шулар ўтди. Осон эмас, саккиз йил бир эмас, бир неча юз шикаста дилга пайванд, улар дардига шерик бўлиш.

Ўз жигарбандини беадад дардлар қаърига ташлаб кетаётган она «Бу — уларнинг касби, маошини олади» дея ўзини овутади. Маҳфуза опа эса шифокорликни муқаддас бурчи деб билади. У болаларнинг тан оғриқларига малҳам топади, лекин руҳларини қайси она тили билан эркалатсин?! Бироқ у эркалатади, аллалар айтади. Момоҳаво бўлиб бағрига босади.

— Маҳфуза опа, ишингиздан чарчаб, бошқа юмуш топгингиз келган онлар бўлганми? — сўраймиз ундан.

— Йўқ. Касбимни севаман. Қаерда бўлмай болажонларни ўйлайман.

— Уларни ота-оналарнинг ўзлари келтиришадими?

— Беш ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган ақли заиф, қаровчиси йўқ болалар маҳалла фаоллари, қўни-қўшнилар аралашуви билан, эмизиклилари болалар уйи томонидан, кўп ҳолларда ота-оналарнинг ўзлари олиб келишади. Болалар уйи 520 ўринга мўлжалланган. Меҳрга муҳтож бу болаларнинг 200 нафари ҳозирда фалаж билан оғриган. Шунингдек, юрак хасталиклари билан туғилган, тутқаноқ касалига чалинганлар ҳам талайгина. Аксарияти ҳали ўзини эплай олмайди.

— Демак, фақат парваришлаш эмас, даволашни ҳам қўшиб олиб борасизлар-да?

— Фалаж ётган болаларнинг қўл-оёқларини ҳаракатга келтириш мақсадида уқаловчи ҳамширалар ишини йўлга қўйганмиз. Натижа ёмон эмас. Уч-тўрт бола ўзи юриб, қўллари билан нарса тута бошлади. Уларнинг орасида гунглари ҳам бор. Болаларнинг нутқини ўстириш устида ҳам машғулотлар олиб борилади. Тарбиячиларимиз кечаю-кундуз уларга кўз-қулоқ. Бирортасининг иштаҳаси йўқ бўлса ҳам эътиборсиз қолмайди. Дарҳол тиббий кўрикдан ўтказамиз. Ўзгариш сезсак, ўша заҳоти чора кўрамиз. Бундан ташқари, жисмонан соғлом болалар учун меҳнат таълими соатлари ўтилади. Улар корхоналарга қоғоз пакетлар ёки керакли анжомлар тайёрлашни ўрганишади.

— Бугунги иқтисодий ўтиш даври жамоангизга ҳам ўз таъсирини кўрсатаётгандир?

— Болаларнинг дастурхони тўкин. Давлат қарамоғидамиз. Унча-мунча каму кўстимизга яхши одамлар кўмаклашиб туришади. Яқинда «СЭВИЖ» кичик корхонаси иситиш тармоқларини таъмирлаш учун 150 минг сўм, «Ўзбекбирлашув» — 50 минг сўм, «Темур» кичик корхонаси— 20 минг сўм, «Наврўз» кичик корхонаси 50 килограмм колбаса тортиқ этишди. Маҳалла аҳлидан хайрия пуллари ҳам тушиб туради. Биз учун битта муаммо бор. У ҳам бўлса машина масаласи. Ўзимиз учун алоҳида «Тез ёрдам» машинаси ажратилса яхши бўларди.

— Сир бўлмаса, айтингчи, хайрияга тушган пулларни нимага сарфлайсизлар?

—Тиббиётда ишлатиладиган клеёнкалар, резина боғичлар бизга жуда асқотади. Бир кунлик сарф-харажатимиз 40—50 минг сўмга тушади. Бундан ташқари, турли спорт анжомларини имкон даражасида ўзимиз сотиб оламиз.

— Болаларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари қандай ташкил қилинган?

— Бир ойда бир марта циркка, қўғирчоқ театрларига бориб турамиз. Санъаткорларни шу ернинг ўзига таклиф этамиз. Улар бепул концертлар қўйишади. Болалар дунёга келиб нима кўришди? Дардли жуссаларини. Бизнинг вазифамиз уларга яхши едириш, яхши гапириш, кунларини қувноқ ўтказиш, шундай эмасми?..

Қаноат БОЙХОН суҳбатлашди.

** Оқшом суҳбатлари*

ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН

УЗОҚ асрлар давомида Ҳиндистоннинг жануби-ғарбий қисми, асосан Керала штатининг Малабара туманида «каларипайят» номли жанговар санъат тараққий топиб борди. Бу санъатнинг ўқ томирлари шунчалар олис мозийга бориб тақаладики, уни дунёда мавжуд яккакураш турларининг яратилишига асос бўлган, дея эътироф этувчилар ўз фикрларини исботлаш учун бирон-бир аниқ манбага эга эмаслар. Лекин каларипайят ҳам шарқона яккакурашнинг бошқа кўринишлари каби тана ва руҳ уйғунлигини тарғиб этади.

Тарихий маълумотларнинг ҳикоя қилишича, ариллар дравидларни бўйсундиришда, молаварлик Рожа Позхасси эса британиялик мустамлакачиларга қарши олиб борган партизанлик ҳаракатида айнан шу каларипайятдан фойдаланган. Аммо вақт тегирмони ушбу ғаройиб жанговар санъатни ямлаб одамлар назаридан четга улоқтириб юборди. 1936 йилга қадар унинг бошига ҳам Хитой у-шуси воқеаси тушди. Айнан шу йилдан бошлаб, яъни жанговар санъат устаси Канаран Гуруккал ва унинг шогирди К. В. Нарайянан Найр Тривандрумда «С. В. Н. Каларисангам» номли гуруҳ тузганларидан сўнг иккинчи ҳаётини бошлади, дейиш мумкин. Ташаббускорлар севимли кураш турларини қайта тиклаш, аҳоли орасида ёйиш учун тор доирадан чиқишлари, унинг асрлар мобайнида сир сақлаб келинган унсурларидан истовчиларни бохабар этишлари лозимлигини ҳис этардилар, шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг турли штатлари, шаҳару қишлоқларида ўз мактабларини ташкил эта бошладилар, улар ўртасида мусобақалар уюштира бошладилар. Шу йўл билан қадимий жанг санъати булоғи қайта кўз оча бошлади.

«Калари» санскритча «калорика» деган сўздан олинган бўлиб «машғулот майдончаси» маъносини англатади. Калари — сиғиниш, ҳурматни изҳор этмоқ объекти саналади. Сиғиниш маросими майдоннинг жануби-ғарбий бурчагидан ажратилган махсус баландлик устида ўтказилади. Баландлик атрофига турли-туман қуроллар ўрнатилган бўлиб улар ҳам сиғиниш объекти вазифасини бажаради. Каларипайят билан шуғулланаётган ҳар бир ўқувчи (шогирд) ўз ташаббуси ёки белгиланган маълум муддат оралиғида устози (гуру)га совға-саломлар олиб келиши шарт. Бу маросим гурупранамам деб аталади. Каларипайят машғулотлари учун анъанавий либос мавжуд бўлиб у узун икки матодан иборат. Матонинг биринчи қисми (купинам) кийилгандан сўнг баданга шифобахш мойлар суртишдан иборат тантанали маросим ўтказилади ва шундан сўнггина иккинчи қисми (катча) кийилади. Катча умуртқа поғонаси ва бел мускулларини «ушлаб туриш»га мўлжалланган бўлиб иссиқ, оч рангдаги матолардан танланади. Либос батамом кийиб бўлингандан сўнг юқорида тилга олинган каларига сиғиниш маросими бошланади. У жанговар рақс шаклида бўлиб ўз ичига ҳужум қилиш ва ҳимояланиш, зарба бериш унсурларидан баъзиларини жамлаган, улар яхлит бир хореографик кўринишидек таассурот қолдиради.

Ҳар бир шуғулланувчи мактабда беш босқичдан ўтади: майтхари, колтхари, анқатхари, верумкан и мармади. Дастлабки босқичларда ўқувчи малаялам тилида ўзи бажарадиган ҳар бир ҳатти-ҳаракатини тўғри талаффуз этишни ўрганади. Майтхари — бу ўзига хос грамматика сабоғи. Уни ўзлаштирмай илгари силжиш мумкин эмас. Майтхари — бу оёқ, қўл билан зарба бериш, ҳимояланиш усуллари, тана устидан тўла ҳукмрон бўлишга эришиш демакдир. Машҳур усталарнинг айтишича, майтхари ўқувчида икки хислатнинг ривожланишига ёрдам беради: биринчидан тана ҳужум хавфини у ҳали бошланмасдан олдин инстинктив равишда сезадиган ва муносабат билдирадиган бўлади; иккинчидан, тананинг куч ва яширин имкониятлари шу даражада тараққий этиб борадики, калари билан шуғулланган киши истаган томон, йўналиш, ҳолатдан берилган зарбаларни рақиб юзидан кўзини узмаган ҳолда бартараф эта олади.

Машғулотларнинг навбатдаги босқичи колтхари. Бу босқичда ўқувчи турли ўлчамдаги қуроллар ёрдамида жанг олиб бориш сирларини ўрганади.

Учинчи босқич — анкатхари, яъни энг хавфли қурол билан жанг олиб бориш санъатини эгаллаш.

Бу босқич машғулотларида қатнашишга жисмонан ва руҳан чиниққан аввалги поғоналардан муваффақият билан ўтган, ўзига ишонган ўқувчиларгагина рухсат берилади. Энг ҳавфли қуроллар жумласига катарам ҳанжари, қилич ва биринчи навбатда уруми номи билан машҳур, икки томонлама чархланган ингичка, эгилувчан шамшир киритилади.

Калари билан шуғулланишни истаганларга шунингдек, қуролсиз жанг олиб бориш санъатини ҳам мукаммал ўргатадилар. У верумкаи деб аталиб, унинг таркибига кирган зарбалар, ҳимоя унсурлари (блоклар), оғриқли усуллар, эврилиш қуролли рақибга қарши ҳам бемалол майдонга тушишга имкон беради. Баъзида тажрибали усталар оддий сочиқ, елпиғични ҳам кудратли қуролга айлантиришга қодирлар.

Шунингдек, каларипайятда одам танасидаги нозик нуқталарга зарба бериб уни фалаж қилиш ёҳуд аста-секин бошланувчи ўлим ҳолатига тушириш усуллари босқичи ҳам бор. Лекин гуру (устоз) бу санъатни маънан пок ва ирода-ю, иқтидорли шогирдларига ўргатади холос. Чунки у шогирди қудратли қуролдан (биргина нуқтага қўл тегизиш билан одамни нариги дунёга жўнатиш ҳеч гап эмас улар учун) фақат яхши ниятлар йўлида фойдаланишга ишонч ҳосил қилиши лозим.

Зарур маълумотлар билан таъминлангани учун ҳиндистонлик журналист Ж. Матьюга миннатдорчилик билдириб

Шуҳрат АРМОН.

Тошкентдаги от спорти бўйича болалар ва ўсмирларнинг республика спорт мактабида ўсмирларга келгусида от спорти бўйича ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишлари учун тажрибали мураббийлар қунт ва сабот билан маҳорат сирларини ўргатишади.

СУРАТЛАРДА: 148-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Шуҳрат Холматов ўз тулпори билан (чапда); тўсиқдан ўтиш машғулоти пайтида.

Равиль Альбеков суратлари.

** Спорт*

ЭНГ КУЧЛИЛАР БЕЛЛАШМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН Халқ демократик партиясининг икки йиллиги тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан шаҳар ва туман партия кенгашларида, қолаверса, ҳудудий, бошланғич ҳамда цех партия ташкилотларида турли-туман тадбирлар ўтказилаётир. Ўзбекистон ХДПси Чилонзор тумани кенгаши ижроия бюроси қарорига биноан партиянинг икки йиллиги олдидан метроқурувчилар спорт мажмуида Рустам Салимов ва Владимир Биковларнинг ўзаро куч синашиши билан теннис бўйича мусобақалар бошланди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Чилонзор тумани кенгашининг соврини учун ўтказилаётган бу мусобақада шаҳримизнинг «Пахтакор», «Динамо», Армия спорт клуби каби ўнлаб спорт жамоаларини очиқ теннис кортларида намойиш этмоқдалар.

Мусобақанинг биринчи рининг теннисчилари ўзаро куч синашмоқдалар. Теннисчи спортчиларнинг ёшлари ҳар хил. Мусобақада 14 ёшли Алексей Мясковдан тортиб, 68 ёшли Василий Грузинцевгача ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Теннисчилар ўзаро куч синашиб, ғолиб ва мағлуб бўлмоқдалар. Ҳар бир ўйин ва ҳар бир гейм ҳисобини ҳакамлар ва ҳаваскорлар ҳисобчилари ҳисоблаб боришмоқда